

## АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ БОШҚАРУВДА ҚЎЛЛАГАН СИЁСАТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МЕЪЗОҢЛАРИ

*Мамадов Насимбек Шухратжон ўғли.*

*Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси.*

*Телефон рақами: +998 97 703-06-06, +998 33 703-06-06*

*[mnasimbek@mail.ru](mailto:mnasimbek@mail.ru)*

*ЎР МВ ҲКБ Инновациялар ва илм-фанни ривожлантириш  
бўлими катта илмий ходими, с.ф.б. фалсафа доктори (PhD),  
доцент **Ф.О.Қўйсина** тақризи асосида*

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Амир Темурнинг давлат ва ҳарбий бошқарувда тутган сиёсати ҳамда стратегияси доирасидаги айрим масалалар таҳлил этилган. Шу билан бирга, Куролли Кучлар негизида ҳарбий хизматчилар онгида буюк аждодларимизнинг ҳарбий меросини тарғиб этишдаги олиб борилаётган ислохотлар мисолида ёритилган.

**Калит сўзлар.** Темур тузуклари, ҳарбий фаолият, давлат, бошқарув, иқтисод, адолат, ўнбоши, юзбоши, мингбоши.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансуб “Темур тузуклари” асари ва ҳаётий йўли буюк бобокалонимиз тарихини ўрганишдаги, унинг ёшларга таълим-тарбия борасидаги билим ва коъникмаларни реал ҳаётда фойдалана олишини таминлайди. Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя.

Амир Темур ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, атоқли саркарда, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида дунё тарихи сарварақларидан жой олган буюк шахсдир. Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда доимо адолатга таянган бўлиб, унинг ҳарбий-сиёсий йўналишда кўзлаган мақсадларига эришишининг бош меъзонларидан бири ҳам айнан шу эди.

Тарихий манбаларда қайд этилганидек, Амир Темур ўзидан тарихий аҳамиятга молик стратегик асар – давлатни идора этишда қўлланиладиган маъмурий ва ҳарбий қонун-қоидалар ва тартибларни ўзида мужассам этган Тузукларни қолдирган бўлиб, ушбу тарихий-мемуар асар “хулқ-атвор ва давлатни бошқаришда қўлланма” бўлган 12 қоида тизимини шакллантирган. Бу қоидалар режалаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилиш каби стратегик бошқарувнинг асосий вазифаларини ўз ичига олади ва бирлаштиради. Жумладан, унинг назарий қарашлари билан бирга, ўз принципларидан келиб чиққан ҳолда амалга ислоҳотлари “Темур тузуклари”дан жой олган.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, Амир Темур сиёсатининг устунлигини яна бир муҳим жиҳатларидан бири – унинг мамлакатнинг олим ва донишманд шахсларига катта эътибор берганлиги ва уларни доимо ҳурматда сақланганлигидир. Саркарда раъият ишларида, аввало олиму уламолар маслаҳатига таянган. Лекин унинг бу ҳатти-ҳаракатлари фақатгина жамият ишларидагина эмас, тезкор вазиятларда ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш, жанг тактикасини ўзгартириш ва масъул мансабдор шахсларни муҳим лавозимга тайинлаш каби ишларда ҳам қўлланиб келинган. Бу

ислохотлар замирида аввалги давр донишмандларининг ақл-идроки, ғоялари мужассам эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга қулай мулкӣ ва ҳуқуқӣ шароит яратишга, айниқса савдо-сотикни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бинобарин, буюк саркарда доим уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутган ҳолда иш қилган. У нафақат тарихдан маълум бўлган буюк етакчиларнинг муваффақиятларини, балки мағлубиятларининг сабабларини ҳам таҳлил этишларини талаб қилган.

Амир Темурнинг яна бир муҳим ва ўзига хос хусусияти – унинг вазиятни тўғри баҳолай олиш қобилиятидир. Қоидалар жорий қилишда Амир Темур ижтимоӣ ва иқтисодӣ воқелик ҳамда халқнинг турмуш шароитини доимӣ ўрганиш муҳимлигига эътибор қаратади. У вилоятлардаги энг юқори лавозимларга аҳолига уларнинг анъана ва урф-одатлари билан яхши таниш бўлган раҳбарларни тайинлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Шарҳларда Амир Темурнинг ўз маслақдошлари, шериклари ва ғанимларига нисбатан бағрикенглиги ва тенг ҳуқуқлилиги қайд этилган. Амир Темурнинг энг муҳим ҳаётӣ тамойили – адолат бўлиб, уни давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиори, деб атаган.

Амир Темур стратегиясининг яна бир концептуал меъзони сифатида унинг бетакрор давлат бошқаруви сиёсатида байналмилалликнинг устунлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, у ўзининг “Темур тузуклари”[1] асарида ҳарбий юришлари бузуқ одамларнинг кўпайган, амалдаги сиёсий тузумдан норози бўлган халқларнинг ёзма мурожаатлари, шунингдек ислом динига эътиқод қилувчи миллат ва элатларга зулм ўтказаетган подшоҳликларга қарши ҳарбий ҳаркатларни олиб борган. Шунинг учун ҳам тарихий манбаларда Амир Темур одил ва инсонпарвар подшоҳ сифатида тасвирланади. Бундан ташқари, Амир Темур ўрта асрлар даврига хос ўз удумлари доирасида фаолият юритган бўлса ҳам, инсон манфаатларини кучайтиришга интилиб, ирқи, миллати, дини ва келиб чиқишидан қатъи назар инсонларнинг бир бутун ҳудудда яшаши

мумкинлиги тўғрисидаги "ягона макон" ғоясининг илк ташаббускорига айланди.

Амир Темур фаолиятида катта эътибор қилиш лозим бўлган жиҳатлардан яна бири – босиб ўтган ҳаёт йўлини, шунингдек давлат бошқаруви соҳасидаги амалий тажрибани битикларда акс этиришдир. “Тузук” ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам, кейин ҳам бўлган. Бу одат аслида хитойлардан ва турк-мўғул хонларидан қолган. Масалан, турк хоқонларидан қолган “Қонуннома”, Чингизхондан қолган “Билик”, Хондамир (1474-1535) ёзган “Қонуни Ҳумоюн”, Рузбехон (1458-1521 ёки 1530)нинг қаламига мансуб бўлган ва шайбонийлардан Убайдуллахоннинг топшириғи билан ёзилган “Сулук ал-мулук” каби асарларни шулар жумласига киритишимиз мумкин.[2] Бундай асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгалари вазифалари, хайри садақа қилиш тартиби, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва қўзғолонни бостириш қоидалари баён этилади.

Ҳарбий тактиканинг энг нодир усулларини вазият ва жой шароитига мос тарзда оптимал қўллаш билиш қобилияти Амир Темур ҳарбий санъатининг навбатдаги устуни эди десак, асло муболаға бўлмайди. Жумладан, Амир Темур қўшинлари пиёда ва отлик аскарлардан ташкил топган бўлиб, бироқ пиёдалар ҳам узоқ чўл сафарларида отлар билан таъминланар, отлик аскарларнинг катта қисми эса пиёда жанг қилишга ҳам ўргатилган эди. Отлик аскарлар ўз ўрнида оддий ва сараланган жангчиларга бўлиниб, енгил ва оғир отлик қўшинини ташкил этган. Бундан ташқари, Темурнинг хос навкарлардан иборат бўлган сараланган жангчилари ҳам бўлиб, булардан ташқари унинг асосий қўшини таркибида яна қуйидаги бўлинмалар ҳам мавжуд бўлган:

1. понтончилар (кўчма кўприклар қуриш билан шуғулланувчилар) ва кемачилар;
2. нафтандозлар (олов ирғитувчилар);

3. камал қилиш техникалари ва тош отувчи қуроллар билан ишлашни биладиган жангчилар;

4. тик қояликларга чиқа оладиган, тоғли ерларда бўладиган жангларга кўниккан, тоғ аҳолисидан ташкил топган махсус пиёда қисм.[3]

Хусусан, Амир Темур қўшинларида махсус низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низом ҳарбий хизматчиларнинг кундалик фаолияти, уруш ва тинчлик даврида улар бажариши лозим бўлган ишлар, ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўлжалар тақсимоти ва бошқа бир нечта бандларни ўз ичига олади. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида аввало қўшинлар сонини ошириш ва уларни тартибга солишга ҳам катта аҳамият берган. Ўзига садоқат билан хизмат қилган, вафодор, яхши саркарда учун керакли хусусиятларга эга, ҳарбий санъатни билувчи, жангларда синалган 313 кишини танлаб олган. Уларнинг 100 нафарини ўнбоши, 100 нафарини юзбоши ва яна юзовини мингбоши этиб тайинлаб, қолган 13 саркардага юқори лавозимларни топширган. Ўз навбатида ана шу сараланган жангчилар Амир Темур қўшинида интизом ва ҳарбий тартиб ўрнатилишига катта ҳисса қўшишади.[4]

Фақатгина ҳарбий соҳанинг эмас, балки бутун мамлакатни қудратли қиладиган элемент иқтисодий негизларга бориб тақалишини билган Амир Темур ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун энг муҳим иқтисодий ислоҳотларни ўтказган. Бу ислоҳотлар заминида аввалги давр донишмандларининг ақл-идроки, ғоялари мужассам эди, айниқса, тараққиёт учун ягона давлат, ўзаро тотувлик, ишбилармонларга қулай мулкӣ ва ҳуқуқӣ шароит яратишга, айниқса савдо-сотикни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. У, аввало Мовароуннаҳрда оғир ва ечилиши мушкул ҳаёт-мамот масаласи бўлган, 150 йил давомида аждодларимизнинг тинқасини қуритган мўғуллар зулмига барҳам берди. У Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириш билан

чегараланмади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини шакллантириб ва мустаҳкамлаб, буюк салтанат даражасига кўтарди. 27 давлатни бирлаштирган Амир Темур салтанатига маҳобати, маънавий ва илмий кашфиётларининг бойлиги, барқарорлиги ва қудрати борасида ўша даврнинг бирорта давлати тенглашолмайди. Бу эса, тан олишимиз шарт бўлган тарихий ҳақиқатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Амир Темур деярли бутун Осиё минтақасида 40 йил давомида олиб борган сиёсати даврида ўзини моҳир давлат арбоби сифатида намоён эта олган тарихий шахсдир. Унинг адолатга йўғрилган давлатни идора этиш борасидаги маҳорати эса, нафақат юртимиз тарихчиларининг, балки хорижий мамлакатлар олимларининг ҳам эътиборини ҳанузгача ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу эса, фуқаролраמידа буюк аждодимиз шон-шавкатини кўз ўнгимизда яна бир қадар юксалтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кароматов Х., Соғуний А. таржимаси. “Темур тузуклари”. -Т: “Ғафур Ғулом”. 1991 йил. 144 бет.
2. Эшбек Т. “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва Темурийлар даври ренесанси” // [uchildiz.uz](http://uchildiz.uz)
3. Михаил И. “Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати ва тактикаси”. -Т: “Янги аср авлоди”. 2019 йил. 57-бет.
4. Ўктам Б. “Амир Темур стратегияси ва ҳарбий тактикаси қандай бўлган” // [qashqadaryogz.uz](http://qashqadaryogz.uz)